



Куръони Каримни энг тези уч кун, кўпи билан бир ойда бир хатм килиш тавсия этилган. Айрим уламолар хатм муддати бир ойдан ошиб кетиши макрух дейишса, айримлари кирк кундан ошиб кетишини макрух санайдилар. Уч кундан кам муддатда хатм килиш ҳам кўпчиликнинг наздида макрухдир. Имом Бухорий ўзининг «Сахих» номли китобидаги «Куръон канчада ўкилади?»

Аллох таолонинг «Бас, ундан муяссар бўлганича кироат килинглар», деган сўзи» деган бобда куйидаги ривоятни келтиради:

«Аллох таоломиздан бизга келганимиздан бери биз учун бир тўшак босмади ҳам, бизга бирор-бир пана кидирмади ҳам», дер экан. Ундаги бу хол чўзилиб кетгач, бу ҳақда Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га зикр килган экан, у Зот: «Уни менга рўпара кил», дебдилар. Кейинрок у Зотга рўпара бўлган эдим: «Рўзани кандай тутяпсан?» дедилар. «Хар куни», дедим.

«Хатмни кандай кияпсан?» дедилар. «Хар кечада», дедим. У Зот: «Хар ой уч кун рўза тут, Куръонни ҳам хар ойда ўкиб чик», дедилар. «Бундан кўпрокка ҳам токатим етади», дедим. «Жумада (хафтада) уч кун рўза тут», дедилар. «Бундан кўпрокка ҳам токатим етади», дедим. «Унда икки кун огиз очик юриб, бир кун рўза тут», дедилар. «Бундан кўпрокка ҳам токатим етади», дедим. «Унда энг афзал рўзани – Довуднинг рўзасини тут: бу бир кун рўза тутиб, бир кун огиз очик бўлишдир. Хар етти кечада (Куръонни) ўкиб чик», дедилар».

Бухорий ривоят килган.

Аёл «Биз учун бир тўшак босмади хам, бизга бирор-бир пана кидирмади хам» деганда эрининг у билан бирга ётмаганига, унга парво килмаётганига, тирикчиликка хам унча эътибор бермаётганига ишора килган. Имом Термизий ўзининг «Сунан»ида куйидагиларни ёзади: «Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо)дан ривоят килинади: «Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Уч кундан камда Куръонни ўкиб чиккан киши хеч нима англамабди», дедилар».

Яна Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо)дан ривоят килинадики, Набий (соллаллоху алайхи васаллам) унга: «Куръонни кирк кунда ўкиб чик», деган эканлар. Исхок ибн Иброхим айтади: «Ушбу хадисга кўра, кишига Куръонни ўкиб чикмаган холида кирк кун ўтказишини раво кўрмаймиз».

Баъзи ахли илмлар Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килинган хадисга асосланиб, «Куръонни уч кундан камда ўкиб чикмайди», деган бўлса, баъзилари бунга рухсат берган. Усмон ибн Аффон (розияллоху анху)дан ривоят килинадики, у бир ракъат витрда Куръонни тўлик ўкиб чикар экан. Саид ибн Жубайрининг хам Каъбада бир ракъатда Куръонни ўкиб чиккани ривоят килинган. Имом Термизийнинг юкоридаги ривоятида Набий (соллаллоху алайхи васаллам) тарафларидан биринчи бўлиб кирк кунда хатм килиш тавсия этилгани айтилган бўлса-да, кўпчилик ривоятларда, жумладан, «Сахиhi Бухорий»да хам тавсия бир ойда хатм килишдан бошлангани ривоят килинган. Шу боис кадимдан кўпчилик бир ойда бир хатм килишга одатланган.

Куръони Каримнинг ўттиз жузга таксимланишига хам сахобалар ва улардан кейинги тобеинлар ўртасида хар ойда хатм килиш кенг ёйилгани асосий сабаб бўлган. Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо)нинг мазкур хадисини турли хадис тўпламларида турли йўллар билан ривоят килинган суратлари жамланса, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг у кишига кирк кунда, бир ойда, йигирма кунда, ўн беш кунда, ўн кунда, етти кунда, беш кунда ва уч кунда хатм килишни тавсия килганлари маълум бўлади. Демак, киши ўз имкониятидан келиб чикиб, хатм учун ушбу муддатлардан бирини танлаб олиши мумкин.

«Кирк кунда ёки бир ойда хатм килиш омманинг иши бўлиб, хосрок кишилар, химмат килганлар учун энг афзали бир хафтада бир хатм килиш», дейишади уламолар. Улар ўз сўзларига бир катор далиллар хам келтирадилар. Имом Абу Шайба ўзининг

«Мусаннаф»ида Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)дан ривоя килади: «Куръонни етти кунда ўқиб чиқинглар, уч кундан камда ўқиманглар». Имом Бухорий ушбу мавзуга бағишланган бобда Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо)нинг мазкур хадисини келтирар экан, унда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо)га бир ҳафтада бир хатм килишни буюрганлари айтилганига эътибор қаратиб, баъзи ривоятларда бу муддат уч кун ёки беш кун дейилгани, аммо кўпчилик етти кун деганини айтади. У киши бу билан энг афзал хатм ва кўпчилик саҳобаларнинг вазифаси бир ҳафтада бир бора хатм килиш бўлганига ишора қилмоқчи бўлади.

Абу Довуд, Ибн Можа, Абу Шайба ва имом Таховий Авс ибн Хузайфа (розияллоху анху)дан қилган ривоятда, жумладан, шундай дейилади: «Бир кеча у Зот (соллаллоху алайхи васаллам) бизнинг олдимизга келадиган вақтларидан кечикиб қолдилар. Биз: «Бу кеча ҳаяллаб қолдингиз?» дедик. У Зот: «Ҳа, Куръондан таксимим (вазифам) эсимга тушиб қолди, уни тугалламай туриб чиқишни истамадим», дедилар.

Мен Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг асҳобларидан: «Куръонни қандай таксимлайсизлар?» деб сўрадим. Улар: «Учта, бешта, еттита, тўққизта, ўн битта, ўн учта ва Муфассал қисми», дейишди».

Авс ибн Хузайфа Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан Куръондан қунлик вазифалари борлигини эшитгач, унинг миқдорини аниқлаш мақсадида у Зотнинг саҳобаларининг Куръондан қундалиқ вазифалари қанча эканини суриштиришга тушди. Улар Куръонни етти қунга бўлиб олганларини айтиб, қундалиқ вазифаларини суралар асосида белгилаганларини айтишди. Биринчи қуни учта сура – Бақара, Оли Имрон, Нисо; иккинчи қуни бешта сура – Моида, Анъом, Аъроф, Анфол, Тавба; учинчи қуни еттита сура – Юнус, Худ, Юсуф, Раъд, Иброҳим, Хижр, Наҳл; тўртинчи қуни тўққизта – Исро, Қаҳф, Марям, Тоҳо, Анбиё, Ҳаж, Муъминун, Нур, Фурқон; бешинчи қуни ўн битта сура – Шуъаро, Намл, Қасас, Анқабут, Рум, Лукмон, Сажада, Ахзоб, Саба, Фотир, Ёсин; олтинчи қуни ўн учта сура – Соффот, Сод, Зумар, етти Хомим, Мухаммад (Қитол), Фатх, Хужурот; еттинчи қуни Қофдан то Куръоннинг охиригача ўқишар экан.

Салафи солихларнинг кўпчилиги етти кунда хатм қилишга одатланишган. Жумладан, Урва ибн Зубайр, Ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг аёли, Тамим Дорий, Абдуррахмон ибн Язид, Иброҳим Наҳаъий, Аҳмад ибн Ханбал раҳматуллоҳи алайхлар ҳам ҳар ҳафтада хатм қилганлар. Қироат илми устозлари, жумладан, Андижон Куръон устозлари ҳам ушбу тартибни маъқул қўришар ва буни қисқартириб «Фам йаб шавкин» деб аташар эди. Маълумки, араб имлосида унлилар ҳарф билан ифодаланмайди. Шунга

кўра, мазкур иборадан ундошлар ажратилса, сураларнинг бош харфлари келиб чиқади: Фотиха, Моида, Юнус, Бану Исроил (Исро), Шуъаро, Вас соффат (Соффот), Коф ва ан Нас. Булар хар кунлик вазифанинг биринчи сураларидир. Салафи солихларнинг кўпчилиги уч кундан камда хатм килишни маъкул санашмаган. Бунга энг ёркин далил Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо)га айтган сўзларидир. Имом Табароний Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)дан ривоят килишича, у киши: «Ким Куръонни уч кундан камда ўкиб чикса, ражз килибди», деган.

«Ражз килиш» дегани тил учида шариллатиб шеър айтиш деганидир. Яъни уч кундан камда хатм килган киши Куръонни ана шундай тез ўкишга, натижада Куръоннинг ҳаққини поймол килиб, мазмунини англамасдан, шеър айтишга тенглаштиришига тўғри келади, дейилмокчи. Ибн Масъуд (розияллоху анху) уч кундан камда хатм килишни каттик коралайдиган кишилардан бири бўлган. Абу Убайд саҳих санад билан Муъоз ибн Жабал (розияллоху анху)нинг ҳам уч кундан камда хатм килишни қарих кўрганини накл килган.

Абу Убайднинг ўзи ҳам, шунингдек, Исхок ибн Роҳавайх каби катта муҳаддис олимлар ҳам шу фикрда бўлганлар.

Умуман олганда, асл қоида – шу. Аммо айрим саҳобалардан тортиб, бир катор салафи солихларнинг уч кундан камда, хатто бир кунда бир неча хатм килганлари саҳих ривоятларда накл килинган. Бу ҳақда қуйроқда сўз кетади. Уларни ўкиган кишида беихтиёр савол пайдо бўлади: Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) уч кундан кам муддатда хатм килишдан қайтарган бўлсалар, нега энди бу улугларимиз унга риоя килишмаган экан? Қандай килиб бир кунда бир неча марта хатм килиш мумкин? Бунга жисмоний улгуришнинг иложи бормикин?

Аввало шуни билиш керакки, салафи солихларимиз Куръон ва Суннатни ҳаммадан яхши билган, тушунган ва уларга энг гўзал суратда амал килган кишилар бўлишган. Улар илохий сарчашманинг бошида туриб, унинг мусаффо зилол сувидан беармон ичишган. Улар шунчалар юксакларга парвоз килишганки, уларнинг айрим холларини ўта ўткир илм кўзи билан кўргандагина тўғри тусмоллаш мумкин. Ерда туриб олиб, осмонўпар қояларни жўнгина талкин килиш ярамайди. Шу боис ўтган улуг зотларнинг хар бир сўз ва ишлари ҳақида бирор гап айтишдан олдин уларнинг холатларини, улар яшаган даврни, вазиятни обдон ўрганиб, ўйлаб олиш керак. Келинг, биз ҳам мазкур саволларга ўзимизча жавоб ахтармай, мўътабар олимларимизнинг фикр мулоҳазалари асосида хулоса чиқаришга уриниб кўрайлик.

Аллома Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ: «Дарҳақиқат, салафи солиҳлардан бир гуруҳи Куръонни бундан (уч кундан) озда хатм килишга руҳсат беришган, жумладан, мўминлар амири Усмон ибн Аффон (розиаллоҳу анҳу) ҳам», дейди. Уламоларимиз айтадиларки, уларнинг уч кундан кам муддатда хатм килишларини бир неча жихатдан изоҳлаш ва тушуниш мумкин:

1. Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Абдуллоҳ ибн Амр (розиаллоҳу анҳумо)ни уч кундан камда хатм килишдан қайтарганлари буткул тақим маъносида эмас, тавсия маъносида ёки у кишининг ҳолатидан келиб чиқиб, ўзига ҳослаб айтилган гап деб тушунишган. Ҳадисда уч кундан кам муддатда хатм қилган кишининг Куръондан ҳеч нарса тушунмаслиги таъкидланиши, айрим саҳоба ва тобеинларнинг уч кундан кам муддатда хатм килишни макруҳ санашлари ҳам одатда кишининг бошқа ҳаёт юмушлари қатори, шундай қисқа муддатда хатм қилса, Куръоннинг ҳаққини поймол қилиш эҳтимоли юқориликдан бўлган. Аммо улар киши фориғликда бир кунда бемалол қироат ҳаққини адо этган ҳолда хатм қилиши мумкин, деб билишган. Хофиз ибн Хажар (раҳматуллоҳи алайҳ) бу ҳақда қуйидагиларни айтади: «Уч кундан камда хатм қилишдан қайтарилгани ҳаром деган маънода эмас қўринади, зотан, бу борадаги амрларнинг ҳаммаси ҳам вожиб эмас. Бу эса гапнинг оқими йўллаган белгилардан билинади. У ҳам бўлса, унинг (Абдуллоҳ (розиаллоҳу анҳу)нинг) ўша пайтда ёки келажакда ўшандан бошқасига ожиз эканини қўриш билан бўлган. Баъзи зоҳирийлар (оят ҳадисларнинг факат зоҳиридан ҳукм оладиганлар) уч кундан камда хатм қилишни буткул ҳаром деб, жуда ҳам беўхшов гап қилишган».

2. Уларга уч кундан кам муддатда хатм қилишдан қайтарилгани ҳақидаги хабарлар етиб бормаган ва шу боис буни жоиз санашган.

3. Уч кундан камда хатм қилганлар буни муттасил қилишмаган, Рамазон ойи, жума кечаси қаби фазилатли дамларда, гайратлари, муҳаббатлари қайнаган пайтда қилишган, бу уларнинг ҳар доимги машғулоти бўлмаган. Абдуллоҳ ибн Амр (розиаллоҳу анҳу) эса муттасил шундай хатм қилишга интилан ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қайтарилари ҳам шу маънода бўлган. Айтиш мумкинки, уч кундан кам муддатда хатм қилишни макруҳ билганларнинг қўпчилиги ҳам муттасил ҳар уч кунда хатм қилишни маъқуллашмаган. Ундан кам муддатда хатм қилганлар эса алоҳида тайёргарлик билан, фурсатини мослаб, ахён-ахёнда уч кундан кам муддатда хатм қилса, модомики қироатнинг ҳаққини адо этса, бунинг ёмон жойи йўқ, балки ажри қўп бўлади, деб билишган.

4. Улар уч кундан кам муддатда хатм килганда ҳам оммадан фаркли равишда Куръони Каримнинг маъноларини тадаббур кила олганлар ва шу боис ўзларининг ушбу ишларини жоиз деб билишган, чунки улар Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг кайтарикларини тадаббурга боғлиқ деб тушунишган.

5. Уларнинг вақтларига барака берилган ва бу уларга инъом этилган каромат бўлган. Чунки айрим салафларнинг бир кунда хатто бир неча марта, баъзан шом билан хуфтон орасида хатм килганлари нақл қилинади. Бу эса одатий вақт меъёри билан караганда, харчанд тез ўқиганда ҳам, имкони йўқ ишдир. Каромат эса одатдан, инсоний ўлчовлардан ташқари, юқори ҳолат ҳисобланади. Мазкур салафи солихларга Аллохнинг каромати бўлиши эса эҳтимолдан холи эмас.

6. Баъзилар Куръони Каримни дилдан ўқишни ҳам хатм деб айтган бўлиши мумкин, бу ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мисол учун, аср билан шом орасидаги хатмлар шундай адо бўлгани тахмин қилинади. Шунини айтиш лозимки, юқоридаги талқинлар ўша айрим салафи солихларнинг ишларини изоҳлаш, ҳолатларини тушунишга уриниш, ҳолос. Аммо саҳоба ва улардан кейинги уламоларнинг кўпчилиги: «Нима бўлганда ҳам, энг яхшиси Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг суннатларига мувофиқ уч кундан камда хатм қилмаслик», деб айтадилар. Жумладан, устозимиз Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф (рахматуллоҳи алайх) ҳам шундай дердилар ва юқоридагига ўхшаш истисно ҳолатлар умумий ҳулоса чиқариш ёки ҳукм олиш учун асос қилинмаслигини таъкидлар эдилар.

«Уч кундан кам муддатда хатм қилишнинг хуш қўрилмаганига яна бир сабаб шуки, бунда қишиларда Куръонни енгил санаш, уни хатм қилишни писанд қилмай қолиш эҳтимоли ҳам бор», дейишади айрим уламолар. Шу боис Куръон маъноларини тушунмай ўқийдиган қорилар ҳам мазкур одобга риоя қилганлари маъқул. Аммо Куръонни ёдлаш жараёнида, уни яхшилаб ёд олиш учун, такрор мақсадида хатм қилинганда уч кундан камда хатм қилишни жоиз деб билганларнинг сўзларига эргашиш мумкин.

Хатм қилишда киши тоқатидан ортиқ нарсани ўзига юқлаб олмаслиги, назр қилиб қўймаслиги керак. Набий (соллаллоху алайхи васаллам)нинг Абдуллох ибн Амр (розияллоху анҳумо)га берган кўрсатмалари бунга яққол мисол бўла олади. Чунки инсон келажакда соғлиги, вазияти қандай бўлишини аниқ билмайди. Шу билан бирга, инсонда жисмининг ҳам, аҳли оиласининг ҳам ҳаққи бор. Хар бир ҳақ эгасига ўз вақтига ҳаққини бериш лозим. Аммо маълум кунларни қасд қилиб, бирор бир маррани ниёт қилиб назр қилса, ирода етмай турган пайтда яхши туртки бўлади, салмоқли натижаларга сабаб бўлади.

Имом Бухорий ривоят килишича, Абдуллох ибн Амр (розияллоху анхумо) кейинчалик: «Канийди, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг рухсатларини қабул қилган бўлсайдим. Мана энди кексайиб, заифлашиб қолдим», деган экан. У киши ўз ахлидан бир кишига Куръоннинг еттидан бирини қундузи ўқиб берар, кечаси енгилроқ бўлиши учун тунда намозда ўқийдиганини қундузи ўша одамга ўқиб ўтказар экан. У киши Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан айрилганидаги ҳолатидан бирор амални ўзгартиришни истамаганидан шундай қилар экан.

Имом Нававий бу борадаги хабарларни чуқур ўрганиб чиққач, қуйидагича хулоса қилади: **«Ихтиёр қилинган гап шуки, бу (Куръонни қанчада хатм қилиш ҳукми) одамларга кўра турлича бўлади. Қим фахмли, ўткир фикрли бўлса, унинг учун мақсадга – тадаббур қилиш ва маъноларни чиқаришга ҳалал бермайдиган миқдор билан чекланиши мустаҳабдир. Шунингдек, илм билан ёки дин ишлари, мусулмонлар оммасининг манфаатлари билан машғул бўлган киши учун ҳам ўз вазифасига ҳалал бермайдиган миқдор билан чекланиши мустаҳабдир. Қим бундай бўлмаса, унга малолликка ўтмай ва шариллатиб ўқимагани ҳолда имкон қадар кўп ўқиши авлодир»**.